



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 12 ноябрь, № 219 (6149)

Чоршанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 ноябрь куни Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг (АЎСП) навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АЎСП Раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.



АҚШнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари делегациясининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Америка бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганидан, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилишдан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси 20 йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривож-

ландиришга кўмаклашиб келаятир. Айни пайтда ушбу ноҳукумат нотижорат ташкилотга Американинг «Боинг», «Женерал Моторз», «Женерал Электрик», «Ханиуэлл», «Рио Тинто», «Цепелин», «Локхид Мартин», «Мерк», «Уайт энд Кейс», «Солар Турбинз», «ЭфЭмЭн Интернэшнл» каби 17 етакчи компанияси аъзо.

Ўзбекистон билан «Женерал Моторз» компанияси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётган уч йриқ лойиҳадан иборат. Булар — Андижон вилоятида автомобиллар, Тошкент вилоятида энг замонавий двигателлар, Хоразм вилоятида автомобиллар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини қамраб олган лойиҳалардир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ўн бешта замонавий «Боинг» самолётдан муваффақиятли фойдаланмоқда, улар барча авиаташувларнинг ярмидан кўпини таъминлаётди. Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиация корхонаси базасида самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш, шунингдек, «Боинг» самолётларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

## ТЎРАҚЎРҒОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ЗАЁМ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

Япония ташқи ишлар вазирининг парламент ўринбосари Кэнтаро Соноура раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида шу йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳасини биргалликда молиялаштириш тўғрисида заём битими имзоланди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини ривожлантириш ва электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган узоқ муддатли дастурнинг истиқболлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

## Қисқа сатрларда

● Тошкент молия институтида «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда ёш оилаларни моддий рағбатлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари имтиёзли шартлари асосида ажратилаётгани ҳақида фикр юритилди.

● Самарқандда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда Кўшрабт тумани молия бўлими бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Луқмон Асодов биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкичилиги тўғрисида»-ги Қонуни ижроси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида Бектемир туманидаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш жараёни, қишки мавсумга тайёргарлик, бандликни таъминлаш, давлат дастурлари ижроси ҳақида ОАВ ходимларига атрофлича маълумотлар берилди.

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 ноябрь куни Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, машинасозлик, савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, авиаташув, геология ва минерал ресурслар, металлургия, кимё ва озик-овқат саноати, сугурта, сайёҳлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори технологиялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ҳамда ахборот технологиялари каби соҳалар учун масъуль вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча жабҳада, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, ушбу мажлис мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, ҳар икки томон имкониятларини янада кенгайтиришга солишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз иқтисодиётида изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини кенг жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича шаклланган пухта механизм бугун энг ривожланган мамлакатларни, жумладан, Америка Қўшма Штатларини ҳам юртимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини иқтисодиёт, савдо, инвестиция, ҳаво транспорти, таълим, фан-техника каби турли соҳалардаги эллиқдан зиёд ҳужжат, шунингдек, Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Бугунги кунда икки томонлама алоқалар ушбу декларация ва ҳужжатлар қондалари ҳамда тамойиллари асосланган ҳолда, тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш принципларига мувофиқ ривожланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## «САЙЛОВДА БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН!»

Жорий йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлирига бўлиб ўтадиган сайлов муҳим сиёсий тадбир сифатида ёшларимиз ҳаётида ҳам ёрқин из қолдириши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу йил сайловда миллионлаб ўғил-қизларимиз илк марта ба қатнашиб, ўз конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаради.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб

### САЙЛОВ — 2014

Рушанобону ЭРКИНОВА, Наманган тиббиёт коллежи ўқувчиси: — Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида юртимиз ёшларига ҳавас билан қарашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биз давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги оғушидамыз. Шижоатимиз, ғайратимиз, интилишимиз, эришаётган муваффақиятларимиз ана шу имконият-

лардан тўла-тўқис фойдаланаётганимиз натижасидир, десам, асло муболаға бўлмайд.

Бу йил илк марта сайловда қатнашиб, депутатликка муносиб номзодларни сайлаш учун ўз муносабатини билдираман. Менинг танловим ҳам шарафли, ҳам масъулиятли эканини чуқур англаган ҳолда, сайлов ҳақидаги тушунчаларимни, сайлов қонунчилиги борасидаги билимларимни оширишга ҳаракат қиламан.

(Давоми 2-бетда.)

## Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми

10,7

фоиз ўсди.

Муҳим объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шу мақсадда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

«Халқ сўзи» муҳбирлари хоборлари асосида тайёрланди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олтидан

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, замонавий, рақобатбардор ва диверсификация қилинган бозор иқтисодиёти...



САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетдан).

Ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликка устувор аҳамият берилди. Америка компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор муҳим сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Америкалик ишбилармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараларини юксак баҳолади. Дунёда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришяётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси муҳим ўрин тутди. 1993 йили ташкил топган ушбу палата икки мамлакат ўртасидаги савдо-сармоявий алоқаларни ривожлантириш мақсадида кўнгилли асосда тузилган ноҳукумат нотижорат ташкилотидир.

Унга аъзо компаниялар ҳедж фондлардан тортиб, юридик фирмалар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, меҳмонхоналар ва интернет хизмати провайдерларигача бўлган турли бизнес жабҳаларида фаолият юрлатади.

Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг асосий мақсади АҚШ фирма ва компанияларини Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига жалб этиш, хусусан, мамлакатимиздаги сармоявий муҳит билан уларни яқиндан таништириш баробарида, инвестиция киритиш ва ҳамкорликда истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга чорлаш, тадбиркорларнинг бизнес режаларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Раиси Каролин Лэмм Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръати таъминланаётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Ўзаро самарали ҳамкорлик мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилаётди, — деди К. Лэмм. — Мамлакатимиздаги барқарор вазият, юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар ва

юқори малакали кадрлар Ўзбекистонга хорижий сармоя киритиш истаги ҳамда имкониятларини тобора оширмоқда. Анжуманда иштирок этган Америка компаниялари Ўзбекистон билан Ўзаро сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мазкур мажлис натижалари икки томонлама фаол ва истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирда АҚШнинг ўттиздан зиёд йирик компанияларидан вакиллар иштирок этгани ҳам ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолат беради.

— Дедди хўжалиги, қурилиш, кончилик каби соҳаларда фойдаланиладиган техника воситалари ва машиналар ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган компаниямиз Ўзбекистонда фаолият юритаётганига 16 йилдан ошди, — деди “СиЭнЭйч Индустриал” компанияси вице-президенти Роберто Вальфрэ. — Ўзбекистондаги ижтимоий ва иқтисодий омиллар ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашишига, фаолиятимизнинг жадал ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда маҳсулотларимиз учун зарур бўлган қўллаб-қувватлов қисмларини Ўзбекистондан олмақдамиз. Мамлакатимиздаги бизнесимизни янада кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

“Навоий”, “Жиззах” ва “Ангрен” индустриал зоналарида иш юритиш учун яратилган имконият ва имтиёзлар, юқори технология қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Эришилган келишувлар келгусида икки томон учун ҳам манфаат келтиришига ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожланишига ишонч билдирилди.

Шу куни Ўзбекистон ва АҚШ тадбиркорларининг кооперация биржаси ҳам бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА, Ўза мухбири.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

— 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари, барча даражадаги ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг бево-сита иштирокида ишлаб чиқилган — деди сенатор. — Дастур демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, тадбиркорликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ҳамда Ўзаро боғлиқ вазифаларни амалга оширишни ўзиде муҳассас этиди.

мер хўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишини инобатга олган ҳолда, бандликнинг ҳудудий ҳамда тармоқ тузилмасини такомиллаштиришга, меҳнат бозорига ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифнинг мувозанатлилигини таъминлашга қаратилган.

— Дастурнинг асосий кўрсаткичлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз. — Мазкур ҳужжат доирасида келгуси йилда ҳудудлар ҳамда йўналишлар бўйича жами 987,5 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш кўзда тутилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш кераки, дастурда таълим муассасалари битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож бошқа тоифалари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг кредит ҳамда моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича қабул қилин-

ган қонун ҳужжатлари, истеъмол бозорида катта талабга эга ишлаб чиқаришни рағбатлантириш дастурлари мувофиқ, кичик бизнеснинг ролини янада ошириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали янги иш ўринларини ташкил қилиш назарда тутилмоқда. 2015 йилда қишлоқда, айниқса, тайёр маҳсулотни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш натижасида 127,5 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминлаш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, келгуси йилда 487,7 минг нафар касб-хунар коллежи битирувчиси меҳнат бозорига чиқарилишига кўмаклашиш кўзда тутилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш кераки, дастурда таълим муассасалари битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож бошқа тоифалари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

— Дастурни ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиқиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Аҳоли бандлиги масаласи бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари,

соҳа мутахассислари бевосита жалб қилинган ҳолда, дастурнинг ҳар бир йўналиши чуқур таҳлил этилди. Қолаверса, ҳужжатнинг ҳудудлар кесимида амалга оширилиши механизмига ҳам катта эътибор қаратилди. 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, айниқса, маҳаллий вакиллик органларида унинг ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш, дастурни амалга оширишда барча ташкилотлар масъулиятини кучайтириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Хулоса ўрнида айтганда, дастур аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ва даромадлари ошишига хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ сўхбатлашди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Хоразмда “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу танлов давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилишдан иборат.

«Янги нигоҳ» ва ёрқин таассуротлар

Тадбирда сўзга чиққан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги мутасаддилари ва бошқалар юртимизда юксак маънавиятли ёшларни вояга етказиш, шунингдек, жамият ҳаётида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови бунинг яққол далили эканигини алоҳида таъкидладилар.

Маросимда “Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”, “Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”, “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик” номинацияси болиб, хоразмлик ёш ижодкор Дилноза Мавлонова. — Буларнинг барчаси биз, йиғит-қизларнинг миллий аъёналар руҳида камол топишимизда муҳим омиллар. Шу боис уларни асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаёلمиз.

Иштирокчилар вилоятдаги тарихий обиддалар, амалга оширилаётган қўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, Урганч темир йўл вокзали, Ташкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали, Урганч халқаро аэропорти, Шовот канали соҳилидаги хиёбон ва “Ёшлар кўли” каби янги барпо этилган объектлар билан танишдилар.

Танлов доирасида “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” шiori остида миллий ўйинлар, либослар, мусиқа ва таомлар фестиваллари ташкил этилди.

Ёш ижодкорлар учрашувида Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов қатнашди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шоҳнозар ҚОРИЕВ (Ўза) олган сурат.

Муҳим вазифа масъулияти

Истиқлол йилларида ички ишлар идораларини изчил ислоҳ қилиш, уни замонавий технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар бугун қандай самара бераётгани барчага маълум. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил март ойидаги Фармонида мувофиқ, ички ишлар идораларининг жинойят қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти янада такомиллаштирилиши ҳисобига салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда.

БҮРЧ

Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги “Қўриқлаш” Республика бирлашмаси фаолияти мисолида ҳам буни кузатиш мумкин. Мазкур хизмат мустақиллик шарофати билан ички ишлар идораларининг энг муҳим йўналиш-

лари йўлга қўйилган. Эътиборлиси, кейинги йилларда бундай воситалар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, бу, ўз навбатида, фаолиятимиз янада самарали бўлишига кўмаклашаётди. Табиийки, ҳодимларимиз учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар иш самардорлигида яққол намоён бўлмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида қўриқлаш бўлимининг томонидан халқ мулкани жиноий таъовуздан ҳимоя қилиш, жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш йўналишида қатор тадбирлар амалга оширилди. Муҳими, ҳодимларимиз саъй-ҳаракати билан бу даврда қўриқланаётган объектлар ва хонадонларда 13 та ўғирликнинг олди олинди. Айни чоғда ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари билан ҳам-

Истеъдодли ёшлар маркази

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда унинг лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди.

ТАҚДИМОТ

Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари, иқтидорли ёшлар, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этди.

Таъкидландики, юртимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етиши учун барча шароит мавжуд. Замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва бошқа маънавий-маърифий марказлар йўл-қизларнинг эзгу орзу-истаклари ўйлида хизмат қилмоқда. Шунингдек, “Соғлом бола йили” Дав-

лат дастури ва Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида жойларда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказининг асосий вазифаси истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг турли концерти, фестивал, кўрик-танлов ҳамда ижодий учрашувларини ўтказишдан иборат.

Очилиш маросимида марказ лойиҳаларидан бири — “Эътироф — 2014” танловининг тақдими ҳамда илк бора ташкил этиладиган “Йил кўшиғи”, “Қуйла, ёшлигим”, “Овоз” телелойиҳалари, “Сен — истеъдодлисан”, “Болалик олами” кўрик-танлов ва фестиваллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Дилмурод СОДИҚОВ.

«САЙЛОВДА БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БERAМАН!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетдан).

Шу мақсадда тенгдошларим билан коллежимизда ўтказилган “Ёшлар ва сайлов” мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этдим. Анжуманда мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар сифатида вояга етказиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида қўллаб-қувватловга эга бўлди. Шунингдек, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши айнан сайловлар орқали рўёбга чиқарилишини билдириб олди. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлат ҳокимияти вакиллик органлари га сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳамда ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатлангани тўғрисидаги билимларимни мустаҳкамладим.

Нозима САЪДУЛЛАЕВА, Бухоро қириш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Ёш эканимга қарамай, ҳаётимда эсда қоларли воқеалар кўп бўлган. Биринчи синфга борган куним, коллежга илк қадам қўйганим, ўз қўлим билан тиккан биринчи либос, танловлардаги дастлабки муваффақиятим — буларнинг барчаси мен учун қадри. Яқин кунларда эса миллионлаб тенгдошларим қатори сайловда илк бор овоз бераман. Мустақил юрт фуқароси сифатида муносиб номзоднинг депутат этиб сайланиши учун ўз муносабатимни билдираман. Бу орқали юртимизнинг келгуси равнақи га, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалишига ҳисса қўшаман.

Коллежда интерьер ва мебель жиҳозлари йўналишида таҳсил олялганман. Келгусида олий ўқув юртида ҳам ўқиб, шу соҳада етук мутахассис бўлмоқчиман. Табиийки, сайловда сиёсий партияларнинг, депутатликка номзодларнинг дастурларида менинг орзу ва интилишимимга доир аниқ мақсад ҳамда вазифалар ўз ифодасини топганига ало-

ҳида эътибор қаратиб, бир қарорга келаман.

Марғуба БОТИРОВА, тадбиркор (Хива шаҳри):

— Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида биз, ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, ўз истеъдод ҳамда қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, банклар томонидан касб-хунар коллежларини битириб, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар берилмоқда. Мен шу йили Хива ахборот технологиялари касб-хунар коллежини тугатиб, тадбиркорликка қўл урдим. Банкдан имтиёзли кредит олиб, тивувчиликни йўлга қўйдим. Келгусида бизнесимни янада кенгайтириш ниятидаман. Тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантиришда яқинда бўладиган сайлов ҳам муҳим аҳамият касб этади, дедди Уйлайман. Чунки биз сайлайдиган депутатлар мамлакатимизнинг узок истиқболдаги тараққиётини белгилаб берадиган янги қонунлар устида ишлайдилар, уларнинг ижросини назорат қиладилар. Демак, сайловда муносиб номзодга овоз бериш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Миржалол РАҲМОНОВ, “Қашқадарё пармалаш ишлари” акциядорлик жамияти ишчиси:

— Бугунги кунда биз — ёшлар давлатимизнинг ишончи ва таяни сифатида юксак гамхўрлик ҳамда эътибор тафтини ҳис этиб улғаймоқдамиз. Қарши саноят коллежини муваффақиятли тамомлаб, ўзим қизиққан соҳа бўйича иш бошладим. Бунда парламентимизда қабул қилинган қонунлар муҳим асос бўлди. Албатта, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўрилаётган мазкур чора-тадбирлар жамиятда муносиб ўрин эгаллашимизни таъминлашга қаратилган. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим воқеа бўлмиш сайловга тенгдошларим қатори пухта тайёргарлик кўраётганман, сайловга оид қонунчиликни ўрганаётганман. Мақсадим — шу азақ Ватанимиз, унинг тараққиётини учун хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бериш.

XALQ BANKI

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва янгилашлар самараси билан бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорларга молиявий кўмак

Мақсуд молия муассасаси томонидан аҳолини, айниқса, ёшларни кичик бизнесга жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, турмуш шaroитини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.



— Банкдан кредит олиш осон, ammo ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш муҳим, — дейди Навоий шаҳрилик Мафтуна Исмомова.

— Банк ёрдамида тадбиркорлигини йўлга қўйган ишбилармон ёшлардан бириман, — дейди кўнгиротлик Мамура Реймбаева.

Хозирги кунда аҳолига сифатли туҳум ва парҳез гўшт етказиб берамиз. Интилувчан, зукко, замонавий биланмири пухта ўзлаштириладиган ёшларда нима кўп — бизнес лойиҳа кўп!

Харакат бор жойда унум, барака бўлиши турган гап. Шу маънода, Халқ банки жамоаси миқдорларнинг бизнес фаолиятини кенгайтириш борасидаги сарф-харажатларини доимо қўллаб-қувватлаб келаяпти.

Банк матбуот хизмати.

Реклама ўрнида

«NAMANGAN REIOTOR SAVDO» МЧЖ

сизларни 2014 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан, Наманган вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 29 сентябрдаги 16-1307/9118-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги мулклар куйилмоқда:


- Чортоқ тумани, «Гулшан» ҚФЙ, «Қорабоғ» МФЙда жойлашган, «Афросиёб» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 615,06 кв.м., фойдаланиш майдони 575,25 кв.м. бўлган асосий ёрдамчи бинолар (2 хонадан иборат) куйилмоқда.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 9-уйнинг (ДАСК «Агросуғурта» биноси) 4-қаватида қабул қилинади ва 2014 йил 28 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатади.

Кўшимча маълумот олиш учун манзил: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 9-уй, «Агросуғурта» биносининг 4-қавати, «Namangan rieltor savdo» МЧЖ. Телефон (0-369) 227-31-66. www.nrs.uz, 1nrs@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.



Евроуслугда ишлаб чиқариладиган симли девор панжаларни ҳамда йўлларда ва бетон ичида ишлатиладиган ВР-1 маркали симдан сеткалар ишлаб чиқарамиз.

Буюртмачи ихтиёрига кўра, ҳар хил ўлчамли симлардан сеткалар тайёрланади.

Тел.: (0-371) 187-44-65. Факс: (0-371) 295-45-09. E-mail: al-rami@inbox.ru

«Universal Realtor» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани СИБ томонидан куйидаги нотурааржой кўчмас мулк объектлари куйилмоқда:

- 1. 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, «Олой» бозори савдо мажмуасининг «Б» блок қисмида жойлашган, умумий майдони 153 кв.м. бўлган, 3 та хона ва битта ертўладан иборат савдо дўкони.

Бошлангич баҳоси — 969 839 417 сўм.

- 2. 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, «Олой» бозори савдо мажмуасининг «А» блок қисмида жойлашган, умумий майдони 76 кв.м. бўлган, битта хонадан иборат савдо дўкони.

Бошлангич баҳоси — 484 088 920 сўм.

- 3. 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, «Олой» бозори савдо мажмуасининг 2-қаватида жойлашган, умумий майдони 125 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони.

Бошлангич баҳоси — 786 801 556 сўм.

Аукцион савдосига 2014 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлар-

дан аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2014 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да тўхтатади.

Кўчмас мулк объектлари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов варақасида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Universal Realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302 269 399.

Кўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55, www.realtor.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалида 2014 йил 4 ноябрь куни бўлиб ўтган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидagi, Нукус шаҳри, Ерназар Алақов ва Т.Қайыпбергенов кўчалари кесилишувда жойлашган, бошлангич баҳоси — 837 483 017 сўм бўлган қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бино — 2 200 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қиламиз.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Товар-хом ашё биржаси» ОАЖнинг 2014 йил 6 ноябрдаги 14/5960-сонли буюртма хатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари такроран куйилмоқда:

- 1. «Нексия» русумли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/430УВА бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 25 208 000 сўм.

Бошлангич баҳоси — 17 306 000 сўм.

- 2. «Дамас» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/436УВА бўлган автотранспорт воситаси.

Аукцион савдосига 2014 йил 27 ноябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 4 ва 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш — 2014 йил 4 декабрдаги савдо учун 2 декабрь куни, 11 декабрдаги савдо учун 9 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатади.

Савдо голиби, деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (0-371) 228-79-52. Гувхона № 006231.

«POLIPROPILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси

куйидаги ускуналарни лойиҳалаш, тайёрлаш ва етказиб бериш учун танлов эълон қилади:

- 1. Темирни преслаш ускуналари (қийшиқ учли пресс, қолиплаш машинаси);
- 2. КПО учун штамплар;
- 3. Полипропилендан улаш деталлари тайёрлаш учун қуёв шакллари (пресс формалар).

Техник талабларга мос келадиган тижорат таклифлари ускуналарнинг техник кўрсаткичлари, тайёрлаш ва етказиб бериш муддатлари, бир донасининг баҳоси, тўлов шартлари кўрсатилган ҳолда 2014 йил 1 декабрь қадар куйидаги манзилда қабул қилинади: Навоий вилояти, Қармана тумани, Маликратоб кўрғони, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, электрон манзил: rmc@ppq.uz

Тўлиқ маълумот олиш учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: (0-436) 220-00-42, (+99890) 501-22-03, факс 220-00-23 ёки электрон манзил: info@ppq.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

инвесторларни ҳамкорликка чақиради ва банкнинг куйидаги шўъба корхоналарини сотиб олиш учун таклиф этади.

тўқимачилик саноати корхоналари:

— калава ип, мато, трикотаж маҳсулотлари, аделлар ва гиламлар ишлаб чиқариш: «Kurgan tex» МЧЖ, «Nam tex» МЧЖ, «Nukus textile» МЧЖ, «Rishton to'qimachi» МЧЖ, «Xumo to'qimachi» МЧЖ, «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ, «Namangan to'qimachi» МЧЖ, «Koson textile» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖ, «Marg'ilon bo'yoq textil» МЧЖ, «Urg tex» МЧЖ, «To'ytepa textile» МЧЖ, «Horazm gilamlari» МЧЖ.




курилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхоналари:

— Европа технологияси асосида шиша толали қувурлар, фитинглар, полиэтилен қувурлар, гйштар, гранит ва мрамар плиталар ишлаб чиқариш: «Asia pipeplast» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ.

қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари:

— пахта целлюлозаси, техник этил спирти, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш: «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ, «Toshkent qog'oz» МЧЖ, «Namangan qog'oz» МЧЖ.



қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери буюмлари ва сутни қайта ишлаш, сут ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш:

— мева ва сабзавотлардан қуюлтирилган пюре, болалар таомлари, минерал сувлар, мевали жем, сабзавотли консервлар, музқаймоқ, макарон, томат пастаси, сифатли чарм ишлаб чиқариш, кўй-эчки ва қорамоллар терисини қайта ишлаш:

«Nukus agro» МЧЖ, «Kinder fruits» МЧЖ, «Asaka mak» МЧЖ, «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ, «Andijon charm» МЧЖ, «Toshkent sifat sut» МЧЖ, «Quva qandolatlari» МЧЖ.



туристик ва меҳмонхона хизматларини таклиф этувчи корхоналар:

«Horazm palace» МЧЖ ва «Registon plaza» МЧЖ.

О'ЗСANOATQURILISHBANK AT «Ўзсаноатқурилишбанк»

томонидан стратегик инвесторларга таклиф.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» балансидаги куйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

Маълумот олиш учун АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99895) 199-29-36. Факс: (0-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсири, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайитириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Ислом КАРИМОВ



# Онажоним – табиат

Орол денгизи фожиаси — дунё ҳамжамияти нигоҳида

## Эътироф

Ўзбекистон Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўлаган табригида Орол муаммоси билан боғлиқ барча жиҳат тўлиқ очиб берилди.

## Холис баҳо, оқилона ечим

Бошқача айтганда, “Қандай қилинса, нималарга алоҳида эътибор қаратилса, ҳудуддаги экологик инқироз оқибатларини юмшатиш мумкин?” деган саволга мусаллаҳ жавоб олдик. Минтақада чўлланшига қарши курашиш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, ижтимоий инфратузилма, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳайвонот ва ўсимлик олами асраб-авайлаш каби масалалар шулар

сирасидан бўлиб, бу, очиги, Оролбўйи минтақасидаги мавжуд вазиятга берилган холис баҳо ва уни ечишнинг оқилона йўлидир.

Давлатингиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур вазифалар, устувор йўналишлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам татбиқ этилса, ҳар томонлама фойдали бўлув эди.

**Хуберт ГИЗЕН,**  
**ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бўйича минтақавий ваколатхонаси директори.**

## Муносиб ҳаёт гарови

Орол денгизи минтақасида яшаётган аҳолида туш-қунлик кайфияти юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечирishi, ўз бизнесини ривожлантириши, янги иш ўринлари ҳамда даромад манбалари билан таъминланиши учун барча имкониятни яратиб бериш зарур, деган долзарб фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқаро конференция иштирокчиларига йўланган табригида яққол акс этди.

Ушбу теран мушоҳадлар хотирамизда чуқур муҳрланиб қолди. Бу, аслида, юртингизда инсон ва унинг манфаатларига устуворлик бериш йўлида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш — давлатингизнинг бош вазифаси эканлигини билдиради.

Жаҳон банки ҳудуддаги қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишига бош

қўшапти, бу борада тегишли ташкилотлар, идоралар, молия муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпти. Мазкур анжуман эса ана шу алоқаларни янада раванк топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Сарож Кумар ЖА,**  
**Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори.**



## Қурғоқчил ҳудудлар ва иқлимий барқарорлик

Давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилаётгани ниҳоятда муҳим жиҳатдир.

Чунки бу республиканинг барча ҳудуди, жумладан, Оролбўйи минтақасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, узлуксиз таълимий ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўлаган табригида белгилаб берилган устувор йўналишларнинг ҳаётга самарали татбиқ қилиниши бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, ақинда Ўзаро ҳамкорликда “Ўзбекистонда қурғоқчиликка мойил ҳудудларда иқлимий барқарор фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантириш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Унинг рўёби сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, илгор технологияларни амалиётга татбиқ этиш, энг асосийси, Орол денгизи хавзасида экологик ҳалокат оқибатларини юмшатишга яқиндан кўмак беради.

**Ойша ЖАХОН СУЛТОНОҒЛУ,**  
**БМТ Тараққиёт дастури раҳбари ўринбосари.**

Президентимиз ташаббуси билан шу йилнинг 28-29 октябрь кунлари Урганч шаҳрида “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзuida халқаро конференция ташкил этилиб, у юқори савияда ўтказилди. Давлатимиз раҳбари мазкур нуфузли тадбир иштирокчиларига йўлаган табригида Орол фожиаси чуқур таҳлил этилгани, унинг минтақа аҳолиси ва табиатига салбий таъсириларини камайитириш, биохилма-хилликни сақлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилгани хорижий экспертлар, эколог олимлар, соҳа мутахассисларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Шу боис айни пайтда ушбу муҳим

хужжат кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда.

“Онажоним — табиат” саҳифасида халқаро конференция тафсилотлари, унинг доирасида асос солинган лойиҳалар аҳамияти ва улардан қутилаётган самаралар ҳақида сўз юритилади.



Йирик экофорумда, шунингдек, 1993 йилнинг январь ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлигида тузилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

## Кенг кўламли лойиҳалар ижроси

Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз мазкур жамғарманинг таъсисчиларидан бири сифатида унинг ишини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор бериб келаяпти. Жумладан, Ўзбекистон ОҚХЖга раислик қилган 1997 — 1999 йилларда унинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, Орол денгизи хавзасида барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1995 — 2010 йиллар давомида эса БМТ Бош ассамблеяси ва сессиялари кузатувчиси ҳисобланган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан денгиз хавзаси мамлакатларига кўмак беришга доир иккита дастур рўёбга чиқарилди. Экологик ҳолатни барқарорлаштириш, табиий муҳитни тиклаш, трансчегаравий сувларни бошқаришни яхшилаш, иқтисодий-ижтимоий муаммолар ечимига ёрдам беришга йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 15 йил ичида 2 миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

2011 йилдан бошлаб эса учинчи

дастур ижросига киришилди. Бу хужжатни тайёрлашда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ ҳамкорлигида 2008 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генотипи, ўсимлик ва ҳайвонот оламига

## Дастур ва ижро

таъсири ҳамда оқибатларини энгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзуйидаги халқаро конференция доирасида ишлаб чиқилган Харакат режасида муҳим асос бўлди. Унинг доирасида 300 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш, бунинг учун 8,5 миллиард доллар сарфлаш кўзда тутилган.

Дастурда, айниқса, минтақадаги барча давлатлар манфаатлари ўз ифодасини топиб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, саҳроланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий секторни янада ривожлантириш, институционал-ҳуқуқий меха-

низларни такомиллаштиришдек устувор йўналишлар ўз аксини топгани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, Оролбўйидаги лойиҳаларни амалиётга изчил жорий этиш Ўзбекистоннинг доимий диққат-эътиборида турибди. Шу мақсадда сўнгги ўн йил ичида 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилган фикримиз тасдиғидир. Бунинг самараси ўлароқ эса, сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб ислохотлар ижросига эришилди.

**Адхам ТўЛАҒАНОВ,**  
**Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси бош мутахассиси.**

## Факт ва рақамлар

Илгари Оролбўйи сув ҳавзаларида йилга 35 минг тоннагача балиқ овланган.

Амударё ва Сирдарё сувининг Оролга қуйиладиган умумий ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви эса 14 баробардан кўпроқ камайди.

Орол денгизи сувининг шўрланиш даражаси 25 март ортини балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб, жумладан, сўт эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Оролни қутқариш қисми ўрнида 5,5 миллион гектар майдондан зиёд янги Оролқум саҳроси ҳосил бўлди.

Худудларда наботот оламининг шаклланиши ва ривожланишида сув ресурслари энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Орол денгизининг қуриши оқибатида кўплаб ўсимлик турлари камайиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолгани бу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

## «ЯШИЛ ҚАЛҚОН» — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Чунончи, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратилиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор”. Шунинг хисобига олган ҳолда, бизнинг жамоаси воҳада камайиб бораётган ўсимликларни чуқур ўрганиш, уларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг мақбул усуллари ишлаб чиқиш йўлида изланмоқда. Бу борада муайян натижаларга эришаётганимиз эса ишимизга бўлган иштиёқни янада кучайтираётми.



Айтиш жоизки, бундай натижага эришишимизда илмий тадқиқот мақомидаги боғимиз Амударё билан Қаттиқоқар канали оралиида жойлашгани кўл келаяпти, албатта. Унинг умумий майдони 40 гектардан иборат. Бундан ўн йил

муқаддам бу ерга 120 хил мева-дароҳ, 75 турдаги ноёб гул ниҳоллари ўтказилган эди. Бугун улар барқ уриб ўсиб, ён-атрофга ўзгача гўзаллик бағишляпти. Дўлана, чирғонок, қоразирк, қорағат каби шиғобахш, айниқса,

Толеген ОТЕНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимига қарашли «Ботаника» боғи директори.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 952 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — Ю. Бўронов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.